

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

СамДУ ректори

проф

Р.И.Халмурадов

2022 йил

- 03.00.05- БОТАНИКА ИХТИСОСЛИГИ БЎЙИЧА ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРАГА  
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК  
ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР БАҲОЛАШ МЕЗОНИ


Самарқанд-2022й.

### Аннотация:

Дастур 03.00.05 - Ботаника ихтисослигига кирувчилар учун 70510101 Ўсимликлар интродукцияси, 70510101 – Дендрология, 70510100 – Лихеналогия ва бриология, 70510101 – Доривор ўсимликлар, 70510101- Фитоценология 5A140101 - Ўзбекистоннинг манзарали ўсимликлари, 5A140101- Ўсимликлар географияси, A140101- Биохилма хиллик ва унинг мухофазаси, 5A140101 – Полиботаника, 5A320500- Махаллий ўсимликлар мутахассисликларини 2019 йилда ҳамда 2021 йилда тасдиқланган ўқув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

### ТУЗУВЧИЛАР:

Ҳайдаров Х.Қ




СамДУ, Ботаника кафедраси  
мудир, биология фанлари доктори,  
профессор

Умурзоқова З.И



СамДУ, Ботаника кафедраси,  
доценти, биология фанлари номзоди

Исломов Б.С



СамДУ, Ботаника кафедраси  
доценти, биология фанлари  
номзоди

Дастур Биология факультетининг 2022 йил 25 августдаги № 1 сонли  
Кенгаш йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

### КИРИШ

03.00.05 – ботаника ихтисослиги бўйича мазкур имтихон дастури ботаника фанларининг қуйидаги асосий бўлимларини ўз ичига олади: 70510101 Ўсимликлар интродукцияси, 70510101 – Дендрология, 70510100 – Лихеналогия ва бриология, 70510101 – Доривор ўсимликлар, 70510101- Фитоценология 5A140101 - Ўзбекистоннинг манзарали ўсимликлари, 5A140101- Ўсимликлар географияси, A140101- Биохилма хиллик ва унинг мухофазаси, 5A140101 – Полиботаника, 5A320500- Махаллий ўсимликлар.

Ўқув материални ўзлаштириш давомида тадқиқотчи ботаника фанининг юқорида келтириб ўтилган фанлар соҳалари бўйича фундаментал билимларга эга бўлиши билан бир пайтда математик моделлаштириш, математик статистика, оддий дифференциал тенгламалар, математик физика тенгламалари, вариацион қаторлар каби фанлардан ҳам кенг тушунчаси бўлиши талаб этилади.

Тадқиқотчининг билим даражаси талаблари: умумбиологик қонуниятлар, ўсимликларнинг ривожланиш эволюцияси, ботаника фани ривожланиш тарихи, ботаниканинг фундаментал тадқиқот усуллари, замонавий систематика, флорогенетика, ўсимликларни муҳофаза қилиш соҳалари бўйича чуқур билимга эга бўлиши лозим.

5140100 – Тубан ўсимликлар

70510101 -Ўсимликлар интродукцияси

70510101 –Дендрология

70510100 –Лихеналогия ва бриология

70510101 –Доривор ўсимликлар

70510101- Фитоценология

5A140101 - Ўзбекистоннинг манзарали ўсимликлари

5A140101- Ўсимликлар географияси

A140101- Биохилма хиллик ва унинг мухофазаси

5A140101 – Полиботаника

5A320500- Махаллий ўсимликлар магистратура мутахассисликлари ўқув режасига асосан 11 та ихтисослик фанлари бўйича фанларидан саволлар базаси шакллантирилган.

Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қуйида батафсил келтирилган.

### Тубан ўсимликлар фани бўйича:

Систематика фанининг мазмуни, унинг тарақиёти, сунъий-табиий ва эволюцион система тўғрисида маълумот бериш. Тубан ўсимликларнинг характерли хусусиятлари ва аҳамияти тўғрисида тушунча бериш. Кўк-яшил сувўттоифаларнинг тузилиши, яшаш шароити, кўпайиши, уларнинг табиатда ва инсон ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида тушунча бериш. Қизил сувўттоифалар талломининг тузилиши пегментлар таркиби, хужайра тузилиши, аждодларга бўлиниши ва кўпайиши, ҳамда аҳамияти тўғрисида тушунча бериш. Яшил сувўттоифаларнинг тузилиши, тарқалиши, кўпайиши ва аҳамияти тўғрисида тушунча бериш. Талломи ипсимон ва пластинкасимон

тузилишга эга бўлган улотриксномалар қабиласи вакиллари тўғрисида тушунча бериш. Маташувчисимонлар ва Харасимонлар аждодларининг систематикаси, муҳим вакиллари тузилиши ва кўпайиши тўғрисида тушунча бериш.

#### **Ўсимликлар интродукцияси фани бўйича:**

Ўсимликларни интродукция қилишнинг мақсади ва вазифалари. Ўсимликлар интродукциясининг асосий назариялари. Ф.Н. Русановнинг интродукцион методи – флорогенетик комплексни методи, геоботаник эдификатор методи, «туркум комплекси» методи. Н.И. Вавилов бўйича маданий ўсимликларнинг пайдо бўлиш марказлари. Ер юзининг флористик областлари. Хориж давлатларнинг табиий флорасидан интродукция объектларини аниқлашнинг йўллари. Ботаника боғларида коллекция ва экспозициялар ташкил этиш тамойиллари. Уруғларни йиғиш ва алмашлаш, жонли ўсимликларни жалб этиш. Бирламчи интродукция ва реинтродукция тушунчалари. Интродукцион популяция. Ўсимликлар интродукциясида тур ичидаги ўзгаришлар. Интродуцентларни янги шароитда ўрганишнинг йўллари ва методлари: а) Ўсимликларни экологиясини ўрганиш методлари. б) Ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш ритмини ўрганиш. Интродукция ютуқларини баҳолаш. Интродукция ютуқларини баҳолаш шкаласини тузиш тамойилларини аниқлаш ва манзарали ҳамда хўжалик жиҳатдан муҳим сифатларини баҳолаш. Культурфитоценоз. Культиген ареалнинг тарихий экологик-географик ва морфогенетик қонуниятларининг шаклланиши. Биохилма – хилликни сақлашда ботаника боғларининг роли.

#### **Дендрология фани бўйича:**

Дендрология фани - дарахт-буталарнинг систематикаси, ҳаётий шакллари, морфологияси, биологияси, яшаш муддати, кўпайиши, муҳит билан муносабатлари ва эволюцион тараққиётини ўрганиш. Фаннинг вазифалари – дарахт-буталарни аниқлаш, уларнинг ботаник тавсифи, тарқалиши, таркиби ва қўлланилишини амалда қўллай олишни морфобиологик ва фенологик кузатув усулларини, табиий ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш принципларини амалда қўллай олишни ўргатишдан иборат.

#### **Лехиналогия ва бриология фани бўйича:**

Лехиналогия ва бриология фани юртимиздаги биохилма-хиллик муаммоларини ўргатишдан иборат. Лихенология ва бриология биологиянинг энг муҳим ва асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Илм-фаннинг ушбу соҳаларидаги замонавий ҳамда муҳим масалаларини ҳал этишда кенг ўрин тутди. Лихенология ва бриология фанини ўзлаштириш жараёнида амалга оширилган масалалар доирасида Лишайниклар флораси ҳақида

Лишайник ва йўсинларни устида олиб борилган тадқиқотлар. Лишайник ва йўсинларни доир яратилган асарлар. Александр Гумболднинг “Лихенология ва бриологияга доир ғоялар” асари. Ареал ҳақида тушунча. Ареал хиллари: космополит ареал, лентасимон ареал, эндем ареал. Флора ҳақида тушунча, флора элементлари гуруҳлари: Арктик флора элементлари, Шимолий (ёки бореал) флора элементи, Ўрта эвропа флора элементи, Атлантик флора элементи, Понтик флора элементи, Ўрта эр денгизи флора элемент, Марказий Осиё флора элементи Турон флора элементи, Манжурия флора элементи, Ер шарининг флористик оламлари бўйича олимларнинг фикрларини ўрганишдан иборат.

#### **Доривор ўсимликлар фани бўйича:**

Доривор ўсимликлар фани ўсимликлар хом ашёларини етиштириш технологияси ва агротехник чора тадбирларнинг назарий ва амалий асосларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётга қўллашнинг малакавий кўникмаларини шакллантириш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани мукамал ўргатишдан иборат. Доривор ўсимликлар деҳқончиқ тарихи Доривор ўсимликлар хом ашёларини етиштириш технологияси ва агротехник чора тадбирларнинг назарий ва амалий асосларини ўргатиш. Доривор ўсимлик турларини кўпайтириш усулларини, доривор ўсимлик турларини етиштиришда агротехник чора тадбирларини, ўсимлик хом ашёларини йиғиш мавсумлари ва қуритиш усуллари турли иқлим шароитларида доривор ўсимликларни етиштириш ва кўпайтириш усулларини ўргатиш, доривор ўсимликларнинг агротехникасини ишлаб чиқиш, хом ашёни тайёрлаш. Доривор ўсимлик турларига биоэкологик хусусиятларини инъобатга олган ҳолда белгиланган агротехник чора тадбирларни ўсимлик хом ашёларини йиғиш мавсумлари ва қуритиш усулларини ўрганишдан иборат

#### **Фитоценология фани бўйича:**

Фитоценология фани ўсимлик жамоалари, уларнинг горизонтал ва вертикал структураси, уларнинг ташқи муҳит шароитларига мослашиш қонуниятлари, ер юзида тарқалиши, ўсимлик жамоаларининг шаклланиши, фитосеноздаги жараёнлар ва бошқа биологик ва фитосенотик хусусиятлари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани мукамал ўргатишдан иборат. Фаннинг вазифаси - интродукция қилинадиган ўсимликларни аниқлай олиш усулларини, замонавий тадқиқот усулларини, морфобиологик ва фенологик кузатув усулларини, табиий ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш принципларини амалда қўллай олишни ўргатишдан иборат.

90. Ўсимликларни ўрганишда техник воситалардан фойдаланишнинг аҳамияти. Хужайра назариясининг яратилиши.
91. Поянинг бирламчи ва иккиламчи анатомик тузилиши.
92. Мевалар, унинг классификацияси. Уруғ ва меваларнинг тарқалиши.
93. Гулли ўсимликлар ва ҳозирги замон филогенетик система тўғрисида умумий тушунча.
94. Юксак ўсимликлар турли гуруҳларидаги стробиларнинг тузилиши, кўпайиш органларининг эволюцияси.
95. Ўсимликларда жинсий кўпайиш органларининг типлари ва уларнинг эволюцияси.
96. Аскомикоталар бўлими классификацияси. Уларнинг тарқалиши, экологияси, аҳамияти
97. Саговниксимонлар, бенетитсимонлар, гинкосимонлар аждодлари, уларнинг тавсифи.
98. Қирқбўғинтоифалар: тузилиш хусусиятлари, тараққиёт цикли, эволюцияси.
99. Захарли ва паразит замбуруғлар систематикаси: классификацияси. Аждодларга бўлиниши ва уларнинг хусусиятлари.
100. Сувўтларининг экологик гуруҳлари. Сувўтларнинг табиатда ва халқ хўжалигидаги аҳамияти.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. М.И. Икромов, Х.Н. Нормуродов, А.С. Юлдашев Ботаника. – Т.: 2002
2. С.М. Мустафоев Ботаника, - Т.: Ўзбекистон, 2002
3. М.В. Великанов, Л.Л. Горибова, Л.В. Горбунов, Н.П. Горленко “Курс низших растений” М. “Высшая школа” 1981 йил
4. Еленевский А.Г. Соловьёва М.П. Тихомиров В.И. «Ботаника». «Высших или наземных растений» Москва Академа. 2000.
5. Ў.Р.Пратов, М.М.Набиев “Ўзбекистон юксак ўсимликларнинг замонавий тизими”. Тошкент- 2007
6. А.Хамидов Ўсимликлар географияси “Ўқитувчи” Т. 1984.
7. И.Х.Ҳамдамов, П.Шукуруллаев, Е.Тарасова, Ю.Қурбанов, А.Умурзоқов «Ботаника асослари» Т, 1990 йил.
8. Прейвн П., Эверст П., Айкхорн С. - Современная ботаника изд. «Мир». Москва 1990. 347 с.
9. Тожибоев Ш. Ўсимликлар географияси. -Наманган: “Наманган” 2015, -160 бет.
10. Тахтаджан А.Л. Флористические области земли.– Ленинград, 1978,-248 с.
11. Баратов П. ваб. Ўрта Осиё табиий географияси.-Тошкент: Ўқитувчи.- 2002,-147 бет.
12. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”.-Тошкент: Чинор эНК, 2009,- 335 бет.
13. Н.М. Жуковский «Ботаника», Москва, 1982
14. Родман Л.С. Ботаника. "КОЛОС". Москва. 2001 328 с.
15. Л.И. Курсанов, Н.А. Каменский, К.И. Мейер, В.Ф. Раздровский, А.А. Уралов «Ботаника» 2 томлик Т.1972 йил.
16. Буригин В.А., Жонгузоров Ф.Х. - Ботаника, «Ўқитувчи» Тошкент. 1997, 351 б.
17. А. А. Самарский, А. П. Михайлов. Математическое моделирование. М., Наука, 1997.
18. С.П. Капица, С.П. Курдюмов, Г.Г. Малинецкий. Синергетика и прогнозы будущего. –М., УРСС, 2003.
19. Д.И. Грубецков. Введение в синергетику. Хаос и структуры. –М., УРСС, 2003.
20. Ю.Ю. Тарасевич. Математическое и компьютерное моделирование. –М., УРСС, 2003.
21. Введение в математическое моделирование. Под ред. В. П. Трусова. -М., Логос, 2005.
22. Арнольд В.И. Жёсткие и мягкие математические модели. -М., - МЦНМО. 2000.
23. Амелин В.В. Дифференциальные уравнения в приложениях. –М. Наука. Главная редакция физико-математической литературы. 1987.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ  
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН ДАЪВОГАРЛАРНИНГ  
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>Синов топшириш шакли</b>	<b>Ўзма</b>
<b>Ажратилган вақт</b>	120 дақиқа
<b>Саволлар сони</b>	5
<b>Ҳар бир савол учун белгиланган балл</b>	20
<b>Максимал балл</b>	100
<b>Ўтиш бали</b>	55